Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 152 (7292). 9 август, 1980 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин.

СПОРТ — ҲАММА УЧУН

Бугун Бутуниттифоқ физкультурачилар куни. Ҳар жабҳада бўлганн каби спортчиларимиз ҳам ўзларининг байрамларини улкан зафарлар билан муносиб кутиб олмоқдалар.

Мамлакатимиз спорт тарихида ёркин саҳифа очган олимпиада ўйинлари халқлар ўртасида дўстлик ва тотувлик, аҳиллик ва тинчлик ғояларини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. «Олимпиада ҳаракати амал қилаётган дўстлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари, турли мамлакатлардаги спортчиларнинг учрашувларига ҳамиша мадад беришини истаймиз. Барча қитъалардаги кўпчилик мамлакатларнинг спортчилари Москвада Олимпиада байроқлари остида тўпланганлиги мамнуният ҳиссларини туғдиради. Бу — халқларнинг кўп асрлик тажрибаси ва анъаналарини ёритиб турган ўзаро алоқа ва ҳамкорлик йўлидаги иродаси енгилмас эканлигини яна бир марта тасдиқлайди». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1980 йил Москва Олимпиада ўйинларининг қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномасидаги ана шу сўзлар XXII Олимпиада ўйинларининг муваффақиятли, ўзаро ҳамкорлик руҳида ўтишида муҳим омил бўлди. «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ». Москвага тўпланган 81 мамлакатнинг 6 мингдан зиёд спортчиси ана шу шиор остида мусобақалашди. Ўз кўлами жиҳатидан, ҳар бир спорт тури бўйича мусобақалар кескин ўтиши ва рекордларга бой бўлиши билан диққатга лойиқдир. Ватанимиз вакиллари XXII Олимпиада ўйинларида энг кўп: 80 та олтин, 69 та кумуш ва 46 та бронза медалларига муяссар бўлдилар. Ана шу кучлиларнинг кучлиари сафида серқуёш республикамиз вакиллари ҳам борлиги билан фахрланамиз. Булар Олимпиаданинг чемпиони номига ва олтин медалига муяссар бўлган ватерполочи Эркин Шагаев, чавандоз Юрий Ковшов, волейболчи Лариса Павлова, кумуш медаль билан тақдирланган мерган Рустам Ямбулатов ва Наталья Бутузова, велоспортчи Александр Панфилов, қиличбоз Собир Рўзиев, шунингдек бронза совриндорлари хоккейчи қизлар Неля Горбатко, Валентина Заздравних, Алина Хам, Лайло Ахмеровалардир.

Республикамиз вакиллари ҳеч қачон бу сафардагидек муваффақиятга эришмаган эдилар. Бу ютуқларнинг боиси шундаки, республикамизда физкультура ва спорт ҳаракати кун сайин кенгайиб, кўплаб маҳоратли спортчилар етишиб чиқаётганлигидадир. Ҳозирда Ўзбекистонда саломатлик манбаи бўлган спорт билан 3 миллион 150 мингдан зиёд киши шуғулланмоқда. Физкультура ва спортдаги бундай муваффақиятларга энг аввало республика партия ва ҳукуматининг доимий гамхўрлиги туфайли эришилмоқда. Буни областимиз мисолида ҳам яққол сезиш мумкин. Маҳаллий физкультура ташкилотлари партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоатчи ташкилотлар кўмагида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг физкультура ва спортни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорларини амалга ошира бориб, совет кишилари саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг актив дам олишларини намуналн ташкил этиш, туризмни ривожлантириш, ҳар бир микрорайонда, қишлоқда ва уйда спорт майдончаси бўлишига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Пойтахт областида физкультура ва спорт билан шуғулланувчилар сони 540 минг кишидан ортиб кетди. Ўтган йилги ва бу йилги барча мусобақалар «Олимпиада ҳамма учун» шиори остида ўтди. Натижалар ҳам қувонарли бўлди. Фақат шу йилнинг олти ойидагина 22 спорт мастери, 158 мастерликка номзод, 100 мингдан зиёд оммавий разрядли спортчи тайёрланди. ГТО нишондорлари сони эса 109 минг кишидан ортиб кетди. Олимпиада йилида пойтахт области шаҳар ва қишлоқларида 25 стадион ва футбол майдонлари, 150 дан зиёд волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари, 18 спорт зали қуриб фойдаланишга топширилди. Кейинги кезларда «Ҳар бир микрорайонда, қишлоқда ва уйда спорт майдончаси бўлсин» шиори остида бошланган ҳаракат спортни меҳнаткашлар ўртасида янада оммавийлаштиришда муҳим дастурилламал бўлмоқда. Бу борада Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида олиб борилаётган ишлар мақтовга лойиқдир. Ангрен шаҳрида аҳоли гавжум жойларда, ЖЭКларда оддий спорт майдончалари қуришга жиддий эътибор берилмоқда. Бу кичик-кичик майдончаларда болалар ва ёшлар спортнинг волейбол, баскетбол, теннис, футбол, шахмат-шашка ва бошқа кенг оммавий тус олган турлари билан шуғулланиб, тез-тез мусобақалар ташкил этиб турибдилар. Шаҳарда 30 дан ортиқ спорт секциялари, 20 дан зиёд тўгараклар ишлаб турипти. Уларга спортга меҳр қўйган жамоатчи тренерлар бошчилиқ қилмоқда. 6 та спорт клубида эса мингдан ортиқ спортчи маҳоратини оширмоқда. Бир сўз билан айтганда Ангренда спорт ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида бундай дейилади: Партия комитетлари, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР спорт комитети, ДОСААФ Марказий Комитети оммавий физкультура ҳаракатини кучайтириш, спорт маҳоратини ошириш, физкультурачилар ва спортчилар ўртасидаги тарбиявий ишларни яхшилаш учун қўшимча тадбирлар кўришлари керак». Партиямизнинг ана шу қарорларини амалга оширишда Чирчиқдаги «Чимён» ва «Сплав» клублари, Олмалиқдаги тоғ-кон металлургия комбинати, Коммунистик райондаги «Политотдел», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси спортчиларининг ишлари мақтовга лойиқдир.

Областимизда физкультура ва спортни янада оммавийлаштириш, маҳоратли спортчилар тайёрлаш, оддий спорт комплексларини қуриш ва айниқса қишлоқ жойларда уни кенг тарғиб қилишда кейинги йилларда бир мунча ютуқларга эришилди. Пойтахт области спорт комитети ўтган йилги эришган муваффақиятлари учун СССР спорт комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Лекин ҳали спортнинг чинакамига кундалик турмушимизда мустаҳкам ўрин олиши учун жуда кўп иш қилиниши лозим. Афсуски, ҳали ҳам давлат аҳамиятига молик бўлган бу ишга етарли эътибор бермаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Бекобод, Бўка, Чиноз, Оққўрғон районларидаги мусобақалар ҳамиша ҳам талаб даражасида ўтказилмайди. Бу районларнинг айрим хўжаликларида ҳатто оддий спорт майдончалари ҳам йўқ. Физкультура инструкторн штатларидан бошқа мақсадлардан фойдаланилмоқдаки, бу ҳол билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Миллионларнинг умумхалқ ишига айланиб бораётган физкультура ва спорт кундалик турмушимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Кун сайин шаҳар ва қишлоқларда турмуш маданиятининг юксалиши жисмоний тарбия ва спорт муассасалари олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Бугунги кунда ҳаётимизни спортсиз тасаввур қилиш қийин.

Шундай экан, спорт — ҳамма учун! Уни кун сайин ривожлантириш, оммалаштириш ҳар биримизнинг масъулиятли вазифамиздир.

Л. И. БРЕЖНЕВ Т. ЖИВКОВ БИЛАН УЧРАШДИ



Суратда: учрашув пайти.

(ТАСС махсус мухбири В. Мусаэльян телефотоси).

7 август куни Қримда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг бироз дам олиш учун Совет Иттифоқига келган БКП Марказий Комитети Биринчи секретари, ВХР Давлат кенгашининг Раиси Т. Живков билан дўстона учрашуви бўлиб ўтди.

Л. И. Брежнев совет коммунистларининг партия XXVI съездига тайёргарлик соҳасидаги фаолияти асосий йўналишларини таҳлил қилиб берди, келгуси йилларда СССР халқ хўжалигида ҳал этиладиган энг муҳим вазифаларни таърифлади. Т. Живков БХРда мамлакатнинг ички ресурсларини сафарбар этиш манфаатлари йўлида амалга оширилаётган катта тадбирлар тўғрисида, БКП XII съездига тайёргарлик ишлари ҳақида ахборот берди.

Ҳар томонлама Совет — Болгария муносабатлари йил сайин тобора чуқур, мустаҳкам ва самимий бўлиб бораётганидан суҳбат қатнашчилари мамнуният изҳор этдилар. Иккала қардош халқнинг яқинлашув жараёни ривожланмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик жадал тус олди. 1980 йилнинг ўзида Болгарияда Совет Иттифоқининг кўмаги билан қурилаётган ўнлаб йирик корхона ва цехлар ишга туширилади. БХР ҳам СССРда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда фаол қатнашмоқда. Бу иш келгуси йилларда кенгайтирилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги ихтисослаштириш ва кооперациялаш бундан буён ҳам чуқурлаштирилади. Совет Иттифоқи ва Болгария бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда миллий иқтисодиётларининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда меҳнаткашларнинг фаровонлигини ўстириш манфаатлари йўлида халқаро социалистик меҳнат тақсимотини янада ривожлантиришга интилиш ниятидадирлар.

Л. И. Брежнев билан Т. Живков халқаро сиёсат проблемаларига, айниқса Европа ишларига катта эътибор бердилар. Европа кескинлиқни юмшатиш бешиги бўлди. Айни шу ерда кескинликни юмшатиш сиёсати энг катта самаралар берди. Совет Иттифоқи билан Болгария, Европада, шу жумладан Болқон ярим оролида ва Ўрта денгиз зонасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидан олға бориш мумкин ва лозим, деб ҳисоблайдилар.

Мадрида бўладиган учрашув олға томон қилинаётган мана шу ҳаракатда муҳим босқич бўлиб қолиши лозим. Суҳбат қатнашчилари ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш тадбирларини амалга ошириш зарурлигини алоҳида уқтирдилар. Ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатишга ва қуролсизланишга бағишлаб ўтказиладиган Умумевропа конференциясини шу тадбирларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиши мумкин бўлур эди. Бу конференцияни чақиришни Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар таклиф қилган эдилар.

Л. И. Брежнев билан Т. Живков Жанубий-Шарқий Осиёдаги кескинлик давом этаётганлигидан хавотирлик изҳор этдилар. АҚШ қўлаб-қўлтиқлаётган Пекинниг гегемончилик сиёсати бу ерда тинчлик ва барқарорлик зонасини вужудга келтиришга, шу региондаги барча мамлакатлар ўртасида нормал муносабатлар ўрнатилишига тўсқинлик қилмоқда. СССР билан Болгария Вьетнам, Лаос ва Кампучиянинг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни бартараф этишга тинчликсеварлик билан принципиал ёндашаётганликларига тўла-тўкис қўшиладилар.

Учрашув қатнашчилари халқаро майдонда коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, социалистик, социал-демократик, деҳқонлар партияларн ва ташкилотлари билан, барча демократик кучлар билан мулоқотларни ва биргаликдаги ҳаракатларни Европада ва бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатларини кўзлаб ривожлантириш кераклигини айтдилар.

Л. И. Брежневнинг Т. Живков билан учрашуви самимийлик вазиятида ўтди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрларнинг тўла бирлиги билан характерланди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов қатнашдилар.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети КПСС XXV съезднинг кўрсатмалари асосида «Автомат манипуляторлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ундан халқ хўжалиги тармоқларида кенг фойдаланиш тадбирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул этилган қарорда таъкидланадики, автомат манипуляторлардан кенг фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш халқ хўжалиги тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ниндаги муҳим йўналишларнинг биридир. Бу соҳадаги ишларнинг муфассал программасини амалга ошириш ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликларда меҳнат ресурслари проблемасини ҳал этишга кўмаклашади.

Машинасозлик министрликларининг илмий-тадқиқот, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективлари, СССР Фанлар академиясининг, СССР ҳамда РСФСР олий ва ўрта махсус таълим министрликларининг институтлари ва ташкилотлари, Москва шаҳри ҳамда Москва областининг, Ленинград, Киев, Минск, Владимир, Николаев, Тула областларининг ва Красноярск ўлкасининг партия ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларига амал қилиб автомат манипуляторларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида муайян иш қилдилар. Бу эса бир қанча корхоналарда меҳнат унумдорлигини ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш коэффициентини анча ошириш, ишлаб чиқаришнинг умумий маданиятини юксалтириш имконини берди.

Шу билан бирга қарорда манипуляторларни ишлаб чиқиш, тайёрлашни ташкил этиш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажми халқ хўжалигининг эҳтиёжлари даражасида эмаслиги уқтириб ўтилади. Мана шу техникани ишлаб чиқариш учун ватанимиз фани ва машинасозлигининг мавжуд имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

СССР Госплани, машинасозлик министрликлари ва идоралари билан ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришда манипуляторларнинг ролига етарли баҳо бермаяпти, Станкосозлик ва асбобсозлик саноати, оғир ва транспорт машинасозлиги, химия ва нефть машинасозлиги, электр-техника саноати, приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрликлари манипуляторлар ҳамда уларни бутлаш учун керакли узеллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан ўзларига белгилаб берилган топшириқларни бажаришда интизомсизликка йўл қўйдилар.

СССР фан ва техника Давлат комитети шу проблема юзасидан министрликлар ва идоралар бажараётган илмий-тадқиқот ҳамда конструкторлик ишларини етарли равишда мувофиқлаштириб турмаяпти. Натижада манипуляторларни ишлаб чиқиш билан ўринсиз равишда бир неча ташкилот шуғулланишига йўл қўйилмоқда ва катта маблағ исроф қилинмоқда, кўпинча етарли равишда пухта ишланмаган конструкциялар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

СССР фан ва техника Давлат комитети билан саноат министрликлари халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, кўл меҳнатини енгиллаштириш вазифаси жуда актуал бўлган номашинасозлик тармоқларида автомат манипуляторлардан фойдаланишни зарур даражада таъмин этмадилар. Оғир ва транспорт машинасозлиги, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги, енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрликлари ўзларининг қора ва рангли металлургияга, қишлоқ хўжалигига, қурилишга, енгил ва озиқ-овқат саноатига, транспорт министрликларига етказиб бераётган асбоб-ускуна ва машиналарни автоматлаштириш учун манипуляторлардан фойдаланиш тўғрисида зарур даражада гамхўрлик қилмаяптилар.

КПСС Марказий Комитети меҳнат унумдорлигини янада оширишни ҳамда кўп ишчиларни жисмоний оғир ва бир хилдаги ишлаб чиқариш операцияларидан ҳалос қилишни таъминлайдиган автомат манипуляторлардан (саноат роботларидан) халқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш учун фойдаланишга катта аҳамият бериб, СССР Госплани ва машинасозлик министрликлари раҳбарларининг диққат-эътиборини мазкур ишларни ўтказишда сусткашлик қилаётганликларига қаратдилар.

КПСС Марказий Комитетининг қарори СССР фан ва техника Давлат комитети, СССР Госплани, СССР Фанлар академияси, СССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги зиммасига манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1981—1990 йилларда автомат манипуляторлар яратиш ва уларни ўзлаштириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари комплекс программасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш вазифасини юклади. Бу программада машинасозлик, кўмир ва кончилик саноатида, қора ва рангли металлургияда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, енгил ва озиқ-овқат саноати

(Давомн 2-бетда).

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент область партия комитетининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олишни ва тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Тошкент области колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига индустриал технологияни, фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг жорий этиш туфайли пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин мўл ва барқарор ҳосил олишга эришмоқдалар, деб таъкидланади.

Область қишлоқ меҳнаткашлари барча совет халқи қатори КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган вазифаларни қизғин қарши олдилар, 1980 йилги социалистик мажбуриятларни ва ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПССнинг бўлажак XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар.

Район партия комитетлари, совет, хўжалик органлари, колхоз, совхоз, пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктлари бошланғич партия ташкилотлари ва раҳбарлари ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтириш, мўл ва эртаки ҳосил етиштириш чораларини кўриш билан бир қаторда пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш учун зарур моддий-техника базасини ўз вақтида тайёрдаб қўйиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Бу муҳим ишда Бўка район партия комитети, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози правлениеси ва партия комитети олиб бораётган ишлар алоҳида диққатга сазовордир. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига жавобан етиштирилаётган пахта ҳосилини қисқа муддатларда йиғиштириб олишга тайёргарлик кўришни ўз вақтида ва сифатли тугаллаш учун мутахассисларнинг кенг иштирокида конкрет ташкилий-хўжалик тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, уни жадал суръатларда амалга оширмоқдалар.

Кишиларни зарбдор меҳнатга сафарбар этишда идеология ходимлари актив иштирок этишяпти. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Бўка район партия комитети ҳузурида оператив штаб ташкил этилган. Район партия ташкилотлари терим даврида коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш учун барча чораларни кўрмоқда. Коммунистларнинг кўпчилиги бевосита пахта териш ва тайёрлашда иштирок этади.

Районда сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар составн кишилар билан ишлашда тажрибага эга коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланган. Дала шийпонлари зарур инвентарлар, кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозланган.

Ўзбекистон КП область комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент область партия комитетининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олишни, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилди.

Область партия комитети Бўка район партия комитети ҳамда Оққўрғон район партия комитети «Ленинизм» колхози правлениеси ва партия комитетининг мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, пахта теримига тайёргарлик кўришни ўз вақтида тугаллаш ва теримни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирларини, шунингдек, Бўка район партия комитетининг 1980 йил пахта ҳосили териш ва тайёрлаш даврида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тадбирларини маъқуллади.

Область партия комитети район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Узгоскомсельхозтехника» область бирлашмаси, «Ташзаготхлопкопром», «Ташоблсельхозхимия», область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ва уларнинг жойлардаги органлари, колхоз, совхоз, пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктлари раҳбарларга ва партия ташкилотлари зиммасига қуйидагиларни юклади:

уч кун ичида ҳамма жойда очиқ партия йиғилишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент область партия комитетининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олишни, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини, Бўка район партия комитети ҳамда Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозн правлениеси ва партия комитетининг мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, пахта теримига тайёргарлик кўришни ўз вақтида тугаллаш ва теримни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирларини, пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларида ҳар бир пайкал бўйича ҳосил тўпланиши ва етилишига қараб биринчи ва иккинчи дефолиация, пахтани қўлда ва машинада терим календарь графиклари, пахта тайёрлаш йиллик ҳажми ва социалистик мажбуриятларни бажариш, шунингдек, далаларни ғўзапоялардан тўла тозалаш ва шудгор қилиш муддатлари белгилаб чиқилсин;

колхоз, совхоз, пахта тозалаш заводлари, пахта тозалаш пунктларига техника, юк ортиш ва транспорт воситаларини ремонт қилиш ва тайёрлашни тугаллашда, зарур миқдорда эҳтиёт қисмлар, ремонт, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий-техника ресурслари, дефолиантлар, десикатлар ташиб келтиришда, пахта териш машиналари икки сменада ишлаши ҳисобга олинган ҳолда уларни механизатор кадрлар билан комплектлаш ва ўқитишда ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатиш.

Шаҳар ва район партия комитетларига, шаҳар, район марказларидаги корхона ва ташкилотлар бошланғич партия ташкилотлари ва раҳбарларига колхоз, совхозларга пахта териш техникасини ўз вақтида ва сифатли ишга тайёрлашда, улардан юксак унум билан фойдаланишда ҳамда асфальт майдончалари, пахта сушилкалари, тош-торози хўжалиги, йўллар, кўприкларни тартибга келтиришда актив оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети ва уларнинг жойлардаги органларига бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига мўл ҳосил етиштириш, 1980 йилги социалистик мажбуриятлар ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПССнинг бўлажак XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун пахтачилик бригадалари коллективлари, барча қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш таклиф этилди.

Социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги, кенг ошкоралиги, кўргазмалилиги, ҳар бир коллектив эришган натижаларнинг таққосланиши таъминлансин. Ҳамма жойда социалистик мусобақа голибларини рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий воситаларидан кенг фойдаланилсин. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш чоралари кўрилсин. Бу уларнинг ўнинчи беш йиллик якунловчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилуви учун актив иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилсин.

Область ва район газеталари редакцияларига, область телевидение ва радиоэшиттириш бош редакцияларига район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш даврндаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларини кенг ёритиш топширилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши 1-бетда).

тармоқларида ҳамда транспортда автомат манипуляторлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, шунингдек автомат манипуляторларни бутлаш учун зарур узеллар яратиш ишларини ривожлантириш кўзда тутилиши лозим.

СССР Госпланига, СССР фан ва техника Давлат комитетига манфаатдор министрликлар ҳамда идораларни жалб этиб, тасдиқланган комплекс программа асосида ўн биринчи беш йилликда автомат манипуляторлар ишлаб чиқариш ва жорий этиш тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори лойиҳасини тайёрлаш топширилди. Бу лойиҳада халқ хўжалиги тармоқларида автомат манипуляторлар ёрдамида техника билан биринчи марта қайта қуроллантирилиши лозим бўлган ишлаб чиқариш турларини, ишлаб чиқаришни тармоқлараро кенг миқёсда кооперациялаш, унинг элементларини унификациялаш ва стандартлаш асосида автомат манипуляторлар ва уларни бутлаш узеллариии ишлаб чиқариш ҳамда жорий этиш топшириқлари белгиланиши; технология асбоб-ускуналарини, шу жумладан программа асосида бошқариладиган ишлама комплексини буюртмачиларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган илтимослари асосида манипуляторлар билан бутлашга нисбатан қўйиладиган талабларни таъриф-лаш; ишлаб турган корхонада манипуляторлар билан таъминланган намунали кўргазмали автоматлаштирилган участка ва цехларни вужудга келтиришни кўзда тутиш; манипуляторлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш натижасида қўшимча равишда олинган маблағнинг бир қисми бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ходимларни рағбатлантиришнинг самарали воситаларидан фойдаланишга доир таклифларни тайёрлаш вазифаси юклатилди.

СССР фан ва техника Давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига, СССР олий ўрта махсус таълим Министрлигига, РСФСР олий ва ўрта махсус таълим Министрлигига маҳаллий партия ҳамда Совет органлари, манфаатдор министрликлар ва идоралар иштирокида манипуляторларни ҳамда улар асосида автоматлаштирилган технология асбоб-ускуналари комплексларини яратиш ва жорий этиш соҳасидаги илғор тажрибани оммалаштириш ҳамда бу соҳадаги барча ишларни иқтисодий районлар доирасида мувофиқлаштириб туриш учун иқтисодий районларда жамоатчилик асосида илмий-методика кенгашлари ташкил қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиб, зарур қарорлар қабул қилиш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига халқ хўжалигида янги техникани ривожлантириш ва жорий этиш планлари ҳамда топшириқларини корхоналар ва ташкилотлар қандай бажараётганлиги устидан конт-ролликни кучайтириш вазифаси юклатилди. Бунда ишлаб турган корхоналарда шу техникани ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан зарур тадбирларни кўриш вазифасини юклади.

СССР фан ва техника Давлат комитети билан, СССР олий ва ўрта махсус таълим министрлигига манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда автомат манипуляторларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ишлатиш соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига иқтисодий районларда кенг кооперациялаш асосида автомат манипуляторлар ишлаб чиқаришни таъминлаш соҳасидаги ташкилотчилик ишини амалга ошириш, шу техникани яратиш ва ўзлаштириш ишига жамоат конструкторлик бюроларини, илмий техника жамиятларини, ихтирочилар ва рационализаторларни жалб қилиш топширилди. Автомат манипуляторлар ва уларни бутлаш учун керакли узеллар ишлаб чиқарадиган корхоналар қандай қурилаётганлиги, шу техникани ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар қандай бажарилаётганлиги устидан қаттиқ контроллик ўрнатилсин. Автомат манипуляторларни ишлаб чиқариш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасидаги ишда Москва шаҳар, Ленинград, Владимир, Николаев область ва Красноярск ўлка партия комитетларининг тажрибасидан кенг фойдаланилсин.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 августгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Республика кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга қолдирилди:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов). Бу область июль ойида чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 68,3 процент, сут — 64,4, тухум — 63,4, жун — 97 процент бажарган. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг **Хоразм балиқ комбинатига.**

Республика кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қашқадарё области, Қорақалпоғистон АССРнинг **Чимбой району, Сирдарё** областининг **Сирдарё району,** Хоразм областининг **Янгариқ району,** Сурхондарё область **Термиз районидаги Ленин номли колхоз,** Фарғона область **Киров районидаги «Москва» колхози,** Бухоро область **Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхози,** Жиззах область **Зомин районидаги «Горний» совхози,** Андижон область **Андижон районидаги Охунбобоев номли совхози,** Самарқанд областидаги **Каттақўрғон зотли паррандачилик репродуктори,** Наманган область **Тўрақўрғон районидаги «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига қарашли Ленин номли совхози,** Қашқадарё область **Қарши районидаги «Главсредазирсовхозстрой» га қарашли «Ленин йўли совхози;**

Тошкент область **Калинин район матлубот союзининг молларни сўкимга боқиш хўжалиги** (раиси ўртоқ Кудрящев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Алимов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Ниёзов, моллари сўкимга боқиш хўжалигининг директори ўртоқ Абдуғаниев). Бу хўжалик гўшт етиштириш планини 107,5 процент, моллари семиртириш планини 112,7 процент бажарган, моллар-нинг бир суткада ўртача 710 грамм семиришига эришган.

БУҚА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ МУЛ ВА ЭРТАКИ ПАХТА ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ, ТЕРИМГА ТАЙЕРГАРЛИКНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУГАЛЛАШ ВА УНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ҲАМДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ДАВРИДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

ТАДБИРЛАРИ

Бўқа район қишлоқ меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақанинг кенг авж олдириб, мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 85 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун сабот билан меҳнат қилаётирлар.

Бўқа район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш соҳасидаги кўрсатмаларига амал қилиб, йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ўтказишга катта аҳамият берган ҳолда колхоз ва совхозлар мутахассислари ва раҳбарларининг кенг иштирокида, аввалги йилларда-ги тажрибалардан келиб чиқиб пахта теримига тайёргарлик кўришни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширишни белгилади:

ҳосил терими бошланишига қадар ғўза парвариши жадал олиб борилади. Бунда табиий офатлардан зарар кўрган майдонларни ғўзаларга ишлов беришда қўшимча тадбирлар амалга оширилади;

етиштирилаётган барча пахта ҳосили хўжаликларнинг ўз кучлари билан йиғиштириб олинади. Машина терими салмоғи 90 процентга етказилади;

дефолиацияга энг қулай муддатларда, далалар бегона ўтлардан батамом тозаланганидан сўнг, кўпчилик ғўзаларда камида 3—4 тадан кўсак очилгандан кейин киришилади. Дефолиация бошланишидан 5—6 кун ичида машиналар қайтиш жойларидаги ғўзалар десикация қилинади. Асосий майдонлардаги ғўза дефолиацияси қисқа муддатда —8—9 иш кунида ўтказилади. Бунинг учун 10 августгача дефолиантларни ташиб келтириш ва аэродромларни тайёрлашни тугаллаймиз. Ғўза дефолиацияси-ни трактор аппаратлари билан ўтказишга алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун машкул 75 та ОВХ пуркагичлари ишга сифатли тайёрлаб қўйилади. Улар икки сменада ишлатилиши ҳисобга олинган ҳолда тажрибали механизаторлар билан комплектланади. Дефолиация бошланишидан аввал механизаторлар ўқуви ташкил этилади. Уруғлик пахта етиштириладиган майдонларни дефолиация ва десикация қилиш уруғлик пахтани териб олиш тугалланган-дан сўнг ўтказилади;

машина терими бошланишига қадар қайтиш жойлари, ўқариқлар, муваққат ариқлар сифатли текисланади. Машиналар қайтиш жойларини тайёрлаш учун довурдлар киргоқлари, далалар четлари ва уватлари, муваққат ариқлар ва йўллардан кенг фойдаланилади. Хўжаликларда бу ишларни бажаришга 54 ҳайдов трактори, 16 грейдер, 45 бульдозер ва 20 та ер текислайдиган механизм ажратилади;

пахта йиғим-теримини ипатоволикларнинг тажрибаси асосида йўлга қўйиш янада такомиллаштирилади. Бунинг учун 43 та терим-транспорт отряди ташкил этилади. Улар составида 395 та пахта териш, 132 та кўсак узиш, 100 та тўкилган пахтани терадиган машиналар, 208 та кўсак чувиш агрегатлари, 1520 та тележка, 65 та пахта юклагич, 385 та транспорт трактори, 35 та кўчма ремонт устахонаси, техника хизмати кўрсатиш бўйича 31 та агрегат, 39 та автозаправка агрегати бўлади;

барча терим техникасини икки сменада ишлатамиз. Пахта теримига 792 механик-ҳайдовчи жалб этилади. Уларнинг 209 нафари район қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини туталлаган ёшлардир. 20 августгача механизаторларнинг касб маҳорати бўйича хўжаликларнинг ўзларида ва район бўйича кўрик-конкурслар ўтказамиз. 10 сентябргача район механизаторларининг слёти ўтказилиб, унда терим мавсуми вазифалари муҳокама этилади ва пахта терими машиналари механик-ҳайдовчиларининг социалистик мажбуриятлари қабул қилинади;

давлатга топширилаётган пахта сифатини ошириш ва теримда энг юксак суръатларга эришиш мақсадларида биринчи машина терими кўзларнинг кўпчилигида кўсакларнинг камида 75—80 проценти очилгандан кейин бошланади. Терим дала — бункер — тележка — тайёрлов пункти усулида ташкил этилади;

уруғлик пахта териш ва тайёрлашни 25 сентябргача тугаллашни мўлжалламоқдамиз. Бунда сифатга алоҳида эътибор берилади.

Бу йил пахтани қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва унинг сифатини анча яхшилашни кўзда тутаяпмиз. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

15 августгача асфальтланган майдончалар, кўпчилик йўллар, колхоз ва совхозлар пахта сушилкаларини ремонт қилиш ва тайёрлашни тугаллаймиз;

20 августгача янги ҳосилни қабул қилиш билан машкул бўладиган пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари инженер-техник ходимлари, лабораитлари, қабул қилиб олувчилар ва бошқа ходимларини қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни йўлга қўямиз;

барча хўжаликлар, пахта заводи ва тайёрлов пунктлари пахтани бригадалар бўйича алоҳида-алоҳида қабул қилиб олиш илғор усулига ўтказилади. Шу ҳисобга тайёрланадиган юқори сортли пахта миқдори кўпайтирилади;

пахта заводлари, тайёрлов пунктларининг барча қурилиш-тозалаш цехлари, колхоз ва совхозлар сушилкаларининг уч сменада бетўхтов ишлаши таъминланади. Пахтани сақлаш ва қайта ишлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилади. Бунда иссиқлик режимининг бузилишига йўл қўйилмайди;

келгуси йил ҳосили учун сифатли уруғлик тайёрлаш ва пахта нобудгарчилигини камайтириш мақсадида барча уруғлик, шунингдек тўртинчи сортли пахта 1981 йил 1 январигача қайта ишлаб бўлинади.

Терим-транспорт отрядларига малакали ва тажрибали мутахассислар раҳбарлик қилади. Барча терим-транспорт отрядларида муваққат партия, комсомол ва касаба союз группаларини тузиш мўлжалланмоқда.

Районда ва барча хўжаликларда йиғим-терим бўйича оператив штаблар ташкил этилаяпти. Улар составига партия ва совет органлари вакиллари, қишлоқ хўжалик ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари киради.

Теримда ва давлатга топширилаётган пахта сифатини оширишда энг юксак кўрсаткичларга эришган колхоз, совхозлар, терим-транспорт отрядлари, илғор механизаторлар ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитети ва район комсомол комитетининг учта кўчма Қизил байроғи ҳамда вимпеллари таъсис этилади. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилади.

Пахта терими машиналари механик-ҳайдовчилари ўртасида «1980 йил мавсумида районнинг энг яхши механизатори» номини олиш учун социалистик мусобақани йўлга қўямиз. Мусобақа илғорлари фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Барча пахтачилик хўжаликларида бригада ва бўлимлар учун кўчма Қизил байроқлар, пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари, шунингдек, теримчылар учун қизил вимпеллар таъсис этилади. Социалистик мусобақа ғолиблари номлари хўжалик «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади, улар шарафига меҳнат шон-шуҳрати байроқлари кўтарилади.

Барча пахтачилик хўжаликларида «1980 йил пахта терими мавсуми даврида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисида» мавзусида очиқ партия йиғилишлари ўтказилади. Йиғилишларда терим мавсуми давомида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг конкрет планлари тасдиқланади.

Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар диққат-эътибори ишлаб чиқаришга партиявий таъсирни кучайтиришга қаратилади. Бунда иқтисод қилиш ва тежамкорликни кучайтиришга, пахта терими пайтида иш кучларидан самарали фойдаланишга, меҳнат коллективларида ишчанлик, масъулиятни чуқур ҳис этиш, тадбчанлик муҳитини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Хўжаликлар партия комитетлари, партия бюролари пахта териш ва тайёрлаш даврида коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлайдилар. Ҳар бир механик-ҳайдовчи ва теримчи кунлик ва мавсумий нормаларини бажариши ва оширибажаришлари устидан таъсирчан назорат ўрнатилади. Пахтанинг ифлосланишини камайтириш ҳамда сифатини яхшилаш учун устама ҳақ тўланади. Устама ҳақ тўлаш тартиби ҳар бир дала меҳнаткашига етказилади.

Партия йиғилишларида, партия комитетлари ва партия бюролари мажлисларида пахтани ўз вақтида ва сифатли териб олинишини таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўриб борилади. Район партия комитети, хўжаликлар партия комитетлари қошида пахта штаблари ташкил этилади.

Пахта исрофгарчилигининг ҳамда нобуд бўлишининг олдини олиш, терим ишларини ташкил этишдаги камчиликларни тезда бартараф этиш, ишлаб чиқариш ички резервлари, пахта териш машиналари ва бошқа техникадан фойдаланишни яхшилаш учун кураша депутатлар группалари, халқ контроли группа ва постлари, комсомол прожектори штаб ва отрядларининг роли оширилади.

Қишлоқ меҳнаткашларини меҳнатга коммунистик муносабат, ўзаро ёрдам кўрсатиш руҳида тарбиялаш, давлат интизомига қатъий риоя қилинишига эришиш, уюшқоқликни таъминлашда социалистик мусобақанинг таъсирчан кучидан ҳар тарафлама фойдаланамиз. Тажрибали механизаторларнинг пахта териш машиналарининг ёш механик-ҳайдовчиларига мураббийлик қилишларини кенг қулоч ёйдирамиз. Шу туфайли ёш механизаторлар малакаси ва маҳоратини оширамиз.

Социалистик мусобақа оммавийлиги, ошкоралиги ва кўргазмалилигини таъминлаш учун сиёсий ахборотлар ва суҳбатлардан, «Ҳурмат тахта»лари, девор газеталар, жанговар варақалар, молниялар, «Пахтакорлар овози» район газетасидан, маҳаллий радио эшиттиришларидан кенг фойдаланамиз. Илғор тажрибани пропаганда қилиш, барча қимматли ташаббус ва ҳаракатларни оммалаштиришга алоҳида эътибор берамиз.

Пахта терими мавсуми олдидан агитатор, сиёсий ахборотчилар, лекторлар билан дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш масаласига бағишланган район семинар-кенгашини ўтказамиз. Колхоз ва совхозларга ҳар куни сиёсий докладчилар, лекторлар юборib турилади.

Район «Пахта мавсуми ахбороти» жангговар варақаси редколлегияси танланиб, тасдиқланади. «Пахтакорлар овози» район газетаси саҳифаларида «Ҳурмат тахтаси» таъсис этилади.

Дала меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш учун маданият бўлими қошида махсус агитбригадалар тузилади. Улар составига энг яхши балиий ҳаваскорлар коллективлари, лекторлар, штатсиз кутубхоначилар киритилади. Улар куни билан турли оммавий-маданий тадбирлар ўтказилади.

Дала меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш учун 4 та сайёр комплекс бригада ташкил этилади. Уларга тўртта автомашина биркитиб қўйилади. Ҳар бир бригада составига пойафзал ремонти бўйича устала-лар, бичиқчилар, сартарошлар, фотографлар, кийимларни ҳимиявий усулда тозалаш учун қабул қилиб олувчилар киритилади. Сайёр бригадаларнинг иши тасдиқланган график бўйича йўлга қўйилади.

Дала меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатиш яхшиланади. Бунинг учун дала шийпонларида кундалик эҳтиёжга зарур товарлар билан савдо қилувчи 70 та сотувчисиз дўкон ташкил этилади. Шунингдек, бешта кўчма автолавка ажратилиб, жиҳозланади. Магазин, ошхона, буфет, чойхоналар иш режимини пахта теримида банд бўлган меҳнаткашлар эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга мослаштириш учун қайта кўриб чиқилади.

Санитария-профилактика ишларини яхшилаймиз, колхозчилар, совхозларнинг ишчиларига медицина хизмати кўрсатишни кучайтирамиз. Даволаш-профилактика муассасалари медицина ходимлари билан комплектланади. Улар запас дори-дармонлар, медицина материаллари ва дезинфекция воситалари билан таъминланади. Фельдшерлик-акушер л и к пунктларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида малакали врачлар колхоз ва совхозларга биркитиб қўйилади.

Пахтакорларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш учун 18 та доимий ва 6 та кўчма кино установкасининг бетўхтов ишлаши таъминланади. Уларга тажрибали ходимлар биркитиб қўйилади. Кинорепертуарларга энг яхши бадиий, илмий-оммабоп, фильмлар киритилади.

Доимий ва мавсумий болалар богча-яслилари иши яхшиланади. Улар малакали тарбиячилар билан комплектланади. Боғча ва яслиларга зарур инвентарь, жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилади. Болалар сиҳат-саломатлиги устидан доимий медицина контроли ўрнатилади.

Бўқа район партия комитети қатъий ишонч билдиради, район партия, совет, комсомол, хўжалик органлари, колхоз, совхозлари раҳбарлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ҳаётга тадбиқ этиб, бутун ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишларни пахта терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратадилар. Бу йил 5 октябргача пахта тайёрлаш планини, 15 октябргача эса давлатга 85 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш имконини беради.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ ВА ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЎЛ ВА ЭРТАКИ ПАХТА ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ПАХТА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИ БАРВАҚТ ТУГАЛЛАШ ВА ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА

ТАДБИРЛАРИ

Оққўрғон районининг «Ленинизм» колхози меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини бажара бориб, бутун кучи 1980 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратмоқдалар. КПСС Марказий Комитети июнь (1980 йил) Пленумининг партиянинг навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарори, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган ёрқин ва чуқур мазмунли доклади колхозчилар сиёсий ва меҳнат активлигини янада жўш урдириб юборди.

Колхоз пахтакорлари бу йил 1225 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш ва давлатга камида 5512 тонна пахта сотиш учун ғўза парваришини жадал суръатларда, уюшқоқлик билан олиб бораётирлар.

Ҳозирги пайтда пахта ҳосилига-ҳосил қўшилаяпти. Колхоз бўйича ҳар гектар майдонда ўртача 119 минг туп кўчат мавжуд. Уларнинг ҳар бирида 8 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинган.

Колхоз коммунистлари ва барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1980 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорини гоят руҳланиб қутиб олдилар. Колхоз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг пахтакорлар тўғрисидаги ғамхўрликларига жавобан техника тараққиётини янада жадаллаштириш учун зарур чораларни кўраяптилар. Бу йил улар етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммасини ўз кучлари билан йиғиштириб олиш, машина терими салмоғини 90 процентга етказишга қарор қилдилар.

Эртаки ҳосил етиштириш, пахтани қисқа муддатда несобуд қилмай териб олишга намунали тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Колхоз правлениеси ва партия комитети бу масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун қуйидаги ташкилий-хўжалик тадбирлар комплексини амалга оширишни белгиладилар:

йиғим-терим бошлангунга қадар ҳозир колхозда ҳар гектар майдонда мавжуд 119 минг туп кўчат тўла сақлаб қолинади, 20 августгача уларнинг ҳар бирида камида 11—12 та бўлиқ кўсак бўлишига эришилади. Бунинг учун:

техникадан юксак унум билан фойдаланиш, меҳнат ресурсларини ғўза парваришига тўла сафарбар этиш асосида август ойида қатор ораларига камида 2—2,5 марта ишлов берилади;

суғоришга етарли миқдорда сувчилар ажратилиб, суғориш группа усулида йўлга қўйилади. Суғориш кеча-ю кундуз олиб борилади. Ҳар бир даланинг тупроқ хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суғориш оралиғи 10—12 кундан оширилмайди. «Шарбат» усулида суғориш кенг йўлга қўйилади;

пахта далалари ҳолатини кузатиш кучайтирилади. Бригададаги кузатувчилар қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалган майдонларни ўз вақтида аниқлайдилар, уларни йўқотиш учун шошилинч чоралар кўрилади;

пахта териш машиналаридан юксак унум билан фойдаланишни таъминлаш учун далалар бегона ўтлардан батамом тозаланади. Дефолиация ғўзаларнинг кўпчилигида 3—4 тадан кўсак очилгандан сўнг бошланади. Дефолиация бошланишидан 5—6 кун ичида пахта терими машиналари қайтиш жойлари десикация қилинади. 10 августгача хўжаликка 2,5 тонна бутифос, 10 тонна хлорат магний ташиб келтирилади. Ғўза дефолиацияси барча майдонларда трактор аппаратлари билан ўтказилади. Бунинг учун 9 та ОВХ-14 трактор пуркагичи ишга тайёрланади. Улар икки сменада ишлатилиши ҳисобга олинган ҳолда тажрибали механизаторлар билан комплектланади;

машина терими бошланиши олдидан қайтиш жойлари, ўқариқлар, муваққат ариқлар текисланади;

23 та пахта териш машинаси, 7 та кўсак узадиган машина, 7 та кўсак чувиш агрегати, 4 та пахта ортадиган механизм, битта тўкилган пахта терадиган машина, 18 транспорт трактори, 45 та тележка ўз вақтида ишга тахт қилинади. 10 августгача пахта териш машиналарининг икки сменада ишлатилиши ҳисобга олинган ҳолда улар механик-ҳайдовчилар билан комплектланади. 20 августгача колхозда «энг яхши механик-ҳайдовчи» номини олиш учун механизаторлар конкурси ўтказилади;

ҳосил терими поток усулида олиб борилади. Бунда икки марта машина терими ўтказилгандан сўнг қолган ҳосил тўкилган пахтани терадиган ҳамда кўсак узадиган машиналар билан йиғиштириб олинади. Йиғим-терим дала — бункер — тележка — тайёрлов пункти усулида ташкил этилади;

илтоповоликларнинг тажрибаси кенг жорий этилади. Бу мақсадда иккита терим-транспорт отряди ташкил этилади. Улар составида далаларни машина теримига тайёрлаш бўйича иккита звено, 11 та терим ва 9 та транспорт звеноси ҳамда техника ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича биттадан звено бўлади;

тайёрланаётган пахта сифатини яхшилаш ва ифрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида 20 августгача асфальтланган майдончалар, кўприклар, йўллар ремонти тугалланади. Давлатга пахта топшириш бригада усулида йўлга қўйилади;

терим мавсуми даврида колхоз механизаторлари ва теримчилари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар кучайтирилади. Бу ишни 8 сиёсий ахборотчи, 6 сиёсий докладчи ва 18 агитатор олиб боради;

умумий овқатланиш, медицина ва савдо хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилади. Барча дала шийпонларида, ремонт устахоналарида механизатор ва колхозчиларнинг юксак унум билан ишлашлари ва яхши дам олишлари учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилади;

энг юксак натижага эришган терим-транспорт отряди учун кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти, пахта териш машиналарининг илғор механик-ҳайдовчилари учун кўчма вимпел ва пул мукофоти, транспорт трактор-лари механизаторлари учун пул мукофотлари таъсис этилди. Социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун ясаб борилади.

Меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш пахта тайёрлаш йиллик ҳажмини 1 октябргача, социалистик мажбуриятларни 10 октябргача бажарилишини таъминлайди.

Бу тадбирлар колхоз правлениеси ва партия комитетининг қўшма йиғилишида тасдиқланган.

ИШ АҲДГА ЯРАША БЎЛСИН

ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА

Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадаси вакиллари ўтган куни Пискент райони хўжаликларида бўлдилар. 1-«Пискент» совхози райондаги энг йирик хўжаликлардан биридир. КПСС XXVI съезди шарафига авж олган умумхалқ мусобақасига қўшилган хўжалик дала механизаторлари бу йил 14 минг тонналик «оқ олтин» хирмони барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Мусобақадошлар совхознинг кўлгина бўлим ва бригадаларида ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида ва сифатли ўтказилаётганлигини мамнуният билан қайд этишди. Ғўза парвариши айниқса Ҳалил Иброҳимов ва Ўринбой Муборакоев бошлиқ бригадаларда намунали ташкил этилган. Бу бригадалар коллективлари съездолди йилида 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишаяпти. Далаларда ҳалигача ҳосил тўпланмоқда.

Совхоз пахтакорлари озарбайжонлик дўстларига мўл ҳосил етиштириш йўлида амалга ошираётган ишларини батафсил гапириб беришди. Хўжаликда тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилаётир. Ҳозир ҳар гектар майдонда ўртача 115 минг туп кўчат мавжуд. Ҳосилга-ҳосил қўшиш учун маҳаллий ўғитлардан фойдаланиляпти. Бу йил 1300 гектар майдонга «Ҳосил» механизмлари билан гўнг солиб чиқилди. Шунингдек, ҳар бир бригадада ҳосил бочкалари ташкил этилган. Улардан далаларга шарбат оқизилади.

Хўжалик коллективи ғўза парваришини қизғин давом эттириш билан биргаликда ҳосил теримига ҳам тайёргарликни кучайтириб юборган. Ҳозирнинг ўзида барча пахта териш машиналари ремонтдан чиқарилди. Ғўзани трактор аппаратлари билан дефолиация қилиш учун 24 та пуркагичлар ишга шай қилинган.

Мусобақадошлар райондаги Охунбобоев номли, Свердлов номли колхозларда ҳам ғўза парвариши шу кунниинг талаби асосида йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлишди. Бу хўжаликларда культивация, суғориш суръатлари бўшаштирилмаяпти. Ғўза чеканкаси тугалланган.

Озарбайжонлик дўстлар Бўқа райони хўжаликлари иш тажрибаси билан айниқса қизиқиб танишишди. Райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтадан юқори ҳосил етиштиришда кўп йиллардан бери область хўжаликлари ўртасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб келяпти. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштиришни режалашган. Колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Иброҳимов бошлиқ бригадаси коллективи бутун маҳоратларини ишга солиб, ҳосилга-ҳосил қўшаётирлар.

Райондаги Тимирязев номли, «Ленинизм», «Партия XIX съезди», «Ленин йўли» колхозлари аъзолари ҳам ақдларига яраша ишлашяпти. Шу билан биргаликда озарбайжонлик мусобақадошлар ғўза парваришида, терим мавсумига тайёргарлик кўришдаги камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришди.

Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадаси вакиллари кеча областимизнинг бошқа районлари хўжаликларида ҳам бўлишди.

Э. МАДИЕРОВ.

ЭРТАГА — БИНОКОРЛАР КУНИ

ҲАЁТИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ

СУРЪАТ ВА СИФАТ УЧУН

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси Ш. ЕҚУБОВ билан суҳбат

Халқимиз бинокорларни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан ҳаётимиз меъморлари деб атайдилар. Бу жуда ўринли ибора. Чунки, турмушимизни бинокорлар меҳнатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ажойиб касб эгалари ўзларининг қадоқ қўллари билан бутун-бутун шаҳарлар, сонсиз-саноқсиз корхоналар, кўплаб уй-жойлар, маданий-маиший бинолар барпо этишяпти. Шу билан совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлигини оширишга, турмушнинг янада гўзал ва қўркам бўлишига ҳисса қўшмоқдалар.

Шунинг учун ҳам бу касб эгалари бизнинг мамлакатимизда доим ардоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қурилиш ишлари ҳажмини кенгайтириш, бинокорлар меҳнати шароитларини енгиллаштириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Замонавий асбоб-ускуналар, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган қудратли агрегатлар бинокорлар ихтиёрига топшириб қўйилган. Бу уларнинг яратувчилик меҳнати янада самарали ва сифатли бўлишига ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизнинг барча бинокорлари қатори областимиз қурувчилари ҳам шу ғамхўрликка амалий иш билан жавоб бериш учун зарбдор меҳнат қўйинда жавлон урмоқдалар. Учинчи беш йиллик ва унинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш, шу давр учун мўлжалланган капитал қурилиш планларини муваффақиятли адо этиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу мақсадда янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солишяпти. Қурилиш ишлаб чиқариш муттасил такомиллаштирилмоқда. Илғор ва прогрессив иш усуллари, меҳнатни ташкил қилишдаги янгиликлар, такомиллашган технология жараёнлари кенг жорий қилинмоқда.

КПСС XXVI съездини, Ўзбекистон Компартияси XX съездини чақириш ҳақидаги хушхабарлар барча бинокорларимизнинг куч-ғайратини янада авж олдириб юборди. Барча қурилиш ташкилотларида ана шу улкан анжуманлар шарафига социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Кўпчилик коллективлар зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилмоқдалар, янги юксак меҳнат марраларини белгиламоқдалар. Бу қурилиш ишлаб чиқариш самарадорлигини, капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилашга, қурилиш-монтаж ишлари суръатининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Областимиз бинокорлари эртага нишоналанадиган ўзларининг анъанавий байрамлари — Бутуниттифоқ бинокорлар куни муносиб қутиб олмоқдалар. Учинчи беш йиллик сўнгги йилининг ўтган биринчи ярмида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Давлат капитал маблағлари ва колхозлар маблағлари ҳисобига салкам 300 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. 490 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 300 миллион сўмликни ташкил этди.

Қурувчиларимиз йил бошидан бери жуда кўп объектларни фойдаланишга топширдилар. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида йирик капролактам комплекси деярли қўлдан чиқарилди. Оҳангарондаги «Сантехлит» заводида ҳар йили 40 минг дона сирланган чўян ванналарни ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилди. Олмалиқ, Бекобод шаҳарларида, республикамиз пойтахтида ҳам қатор янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ қурилиши кўлами муттасил кенгайиб бормоқда. Қишлоқ қурилишининг индустрия даражаси шаҳарлардагига яқинлашиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларда кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар қурилмоқда. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида қатор чорвачилик бинолари ва теплица комбинатлари ишга туширилди. 1634 гектар янги сугориладиган ерлар фойдаланишга топширилди. Мавжуд сугориладиган ерларнинг салкам 2,5 минг гектар майдонида капитал тикслаш ишлари амалга оширилди, 3234 гектар майдондаги экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Областимиздаги қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз кучлари билан пудрат ишлари планини бажармоқдалар. Ўтган биринчи ярим йилликда планнинг бажарилиш кўрсаткичи 107 процентни ташкил этди. Кўпчилик етакчи трестлар ва бошқармалар давлат планларини муваффақиятли уддаладилар, пудрат ишларни ҳажми ва меҳнат унумдорлигини оширишда жадал суръатларга эришдилар. Шаҳар ва қишлоқларда умумий майдони 326,6 минг квадрат метр бўлган янги шинам квартиралар, 2950 ўрин, ли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва қатор бошқа маданий-маиший объектлар қурилди.

Республикамиз пойтахти кўркини очишга катта ҳисса қўшаётган «Главташкентстрой» бош бошқармаси коллективи анъанавий байрамга муносиб меҳнат совғалари билан келди. Ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари планни 104 процент қилиб адо этилди. «Алмаликсвинецстрой», «Ўзбекшахтострой», «Паркентводстрой», 160-қурилиш трестлари ҳамда бошқа бинокорлик ташкилотлари коллективлари эришган ютуқлар ҳам анча салмоқли бўлди. Улар ўз кучлари билан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда яхши натижаларга эришдилар, давлат планларини знёдаси билан адо этдилар.

Областимиз қурилиш ташкилотларида техникани тараққий эттиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Кўплаб янги бинокорлик машина-механизмлари фойдаланишга топширилди. Қурилишда қўл кучи меҳнати муттасил камайиб бормоқда. Кўплаб жараёнлар машина-механизмлар елкасига юкланмоқда.

Айни вақтда қурилиш ташкилотларида илғор иш усулларини кенг қўлланишга эътибор тобора ортиб бормоқда. Ташкилотлар маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бинокорлар ўртасида вужудга келган янги-янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, оммалаштириш билан кун сайин шуғулланадиган бўлиб қолишди. Буни бригада пудратини жорий қилишда ҳам яққол кўриш мумкин.

Қурилишни олиб боришнинг бу прогрессив усули областимиз бинокорлари ўртасида тобора кенг ёйилмоқда. Ҳозирги вақтда юзлаб бинокорлик бригадалари бригада пудрати асосида ишламоқда. Қатор қурилиш трестларида бунёдкорлик ишлари асосан бригада пудрати билан амалга оширилаяпти. Бу соҳада, айниқса, «Жилстрой», «Ўзбекшахтострой» трестлари, Тошкентдаги 1 ва 2-уйсозлик комбинатлари коллективларининг иши ижобий баҳолаяпти. «Ўзбекшахтострой» трестида барча қурилиш-монтаж ишларининг 91,7 процентини злобинчи бригадалар томонидан амалга оширилмоқда. 1-уйсозлик комбинатида пудратчи бригадалар барча қурилиш-монтаж ишларининг 81,4 процентини амалга оширдилар ёки 14 миллион 705 минг сўмлик иш бажаришди. 2-уйсозлик комбинатида бу кўрсаткич 82,3 процентни, «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трестида 81,2 процентни ташкил этди.

Ҳақиқатан ҳам биз бинокорларимиз эришаётган ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин, ишда камчиликлар ҳам борлигини таъкидлаб ўтиш керак. Асосий фондлар ва айрим қувватлар ҳамда объектларни фойдаланишга топшириш планни бажарилмаяпти. Қатор пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари давлат планларини бажаришнинг уддасидан чиқмаяпти. Меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш таннархини камайтириш ва фойда олиш топшириқлари тўла адо этилмаяпти.

Областимиз бинокорлари ўз фаолиятларидаги ана шу камчиликларни бартараф этишга эришиш учун барча имкониятларни ишга солишлари керак. Уларни касб байрамлари билан қизғин табриклар эканмиз, олийжаноб қурувчилик меҳнатларида катта-катта зафарларга эришишларига қатъий ишонамиз.



Суратда: Пушкин номли станцияда зарбдор меҳнат қилаётган бригада пешқадамлари Жаҳонгир Тожиев, бригадир Зикир Абдуллаев, Ҳаёт Сулаймонов, Рашид Турсунбоев, Галина Лапенко. И. Глауберзон фотоси.

11-БЕКАТ

Пастга тушиб боришимиз билан катта биллур қандиллар билан ёритилган қасрга кириб қолдик. Бу улуғ рус шоири Пушкин номидаги станция. Гранит ва мармар билан безатилган платформа шунчалик чиройли ва озодаки, дафъатан қадам босишга иккиланиб қоласиз...

Тошкент метрополитенининг бу станцияси Ҳ. Олимжон ва М. Горький станциялари оралиғида жойлашган. Станциянинг муддатидан илгари қуриб битказилишида ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилаётган комплекс бригада метросозларига Зикир Абдуллаев бошчилик қилмоқда. Станциянинг ёруғлигини таъминлаш учун бронзадан махсус ёритгичлар монтаж қилиб бўлинди. Бригада аъзолари вестибюль, кириб-чиқиладиган йўлакларда пардоз ишларини тугаллашди.

— Бригадамиз тўрт йилдан бери Коммунистик меҳнат бригадаси номини оқлаб келяпти, — дейди Зикир Абдуллаев, — коллектив 11 кишидан иборат. Уларнинг ҳар бири кунлик нормаларини 170—180 процент адо этаяпти.

Мана, эрта-индин янги линия ишга туширилади. Бизнинг бригада энди вокзалдаги Ойбек номли станция қурилишига ўтади. Биз ҳозир 1982 йил ҳисобига меҳнат қилаяпмиз. Бу муваффақиятларда Ж. Тожиев, З. Миржалилов, П. Лапенко каби илғорларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Бригадамиз КПСС XXVI съезди шарафига эммага оширилган мажбурият олди. Биз Ойбек номли станцияда ҳам зарбдор меҳнат қилиб, юксак мажбуриятни муддатидан илгари адо этишга барча куч ва имкониятларни сафарбар этаверамиз.

А. ҒУЛОМОВ, ТошДУ студенти.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

● Учинчи беш йиллик сўнгги йилининг ўтган биринчи ярмида 287,9 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажми 493 миллион сўмликни ташкил этди. Областимиз бинокорлик ташкилотлари 300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

● Шу давр ичида 526,6 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. 2950 ўринли болалар боғчалари ҳажжи граждапларимизни ўз бағрига олди.

● Қишлоқ хўжалигида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. 1634 гектар янги сугориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

● Давлат пудратчи қурилиш ташкилотларн ўз кучлари билан пудрат ишлари ҳажмини 7 процент ортиғи билан адо этдилар.

● Ҳозирги вақтда бригада пудрати билан қурилиш монтаж ишлари жами ҳажмининг салкам 60 процентни амалга оширилмоқда.

ПУДРАТ ШАРОФАТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида кенг миқёсда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-трестимиз коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бинокорлар зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан адо этишяпти. Давлат планлари ошиғи билан бажарилмоқда. Қурилишнинг сифат кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада яхшиланиб боряпти. Бунда бригада пудратини жорий қилиш катта роль ўйнамоқда.

Машҳур ҳамкасбимиз Николай Злобин биринчи бўлиб қўлланган бригада пудрати мисли кўрилмаган миқёсларда кенгайди. Ҳозирги вақтда бу прогрессив усулни жорий қилмаган бирорта ҳам қурилиш ташкилоти йўқ десак, хато қилмаган бўламиз.

Трестимиз коллективи ҳам бу усулни қўллашга Тошкентда биринчилар қатори киришди. Дастлабки пудратчи бригадалар ташкил этилганига салкам ўн йил бўлиб қолди. Ўша вақтда биз тажриба тариқасида икки бригаданн янгича ишлашга ўтказдик. Бунинг учун тажрибали бригадирлар рақобатга қилаётган коллективлар танлаб олинди. 9-қурилиш бошқармамизга қарашли Виктор Петров ва 13-қурилиш бошқармамизга қарашли Тўлқин Самиғов рақобатлигидаги бригадалар бу соҳада қалдиргоч бўлишди.

Бу икки бригада ҳар соҳада бошқаларга намуна бўлиб келарди. Қурилишни жуда жадал олиб бориш қатори сифатини ошириш ва таннархини камайтиришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришишарди. Уларни танлаб хато қилмаган эдик. Янгича усулда ишлашнинг дастлабки кунлариданоқ бу бригадаларнинг микроиқлими кескин яхшиланди. Илгари ҳам янтиэомни бузиш ҳоллари камдан-кам учрайдиган бу коллективларда ишга виждонан муносабатда бўлиш руҳи кучайди. Улар янгиликнинг қанот ёйиши кўп жиҳатдан ўз меҳнатларига ҳам бефарқ эканлигини чуқур ҳис қилдилар. Ҳамма бир-бирига тан, бир жон бўлиб, аҳил бир оила аъзоларидек фидокорона ишлай бошлади. Бригада пудрати асосида дастлабки объектларни тез ва соз қуришди. Бригадаларнинг бири кўп қаватли ўнгма уйнинг пойдеворини қўйишда, иккинчиси эса 36 квартирали уй-жойни бунёд этишда янги усулни қўлладилар. Уларнинг меҳнати натижаси кўпгилдагидек бўлди. Объектлар юқори баҳолар билан қабул қилинди.

Шундан буён ўтган вақт ичида бригада пудратини қўллашда катта силжиш бўлди. Янги-янги бригадалар коллективлари бу прогрессив усул асосида ишлаш истагини билдирдилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда трестимиз бўйича 30 та бригада янгича ишламоқда. Уларнинг составида 700 га яқин бинокор бор.

Янгича ишлаётган деярли барча бригадалар у ёки бу объектни барпо этиш юзасидан тузилган пудрат шартномаларини муваффақиятли бажармоқдалар. Кўпчилик коллективлар объектларнинг муддатидан илгари ва сифатли фойдаланишга топширилишига муваффақ бўлишяпти. Масалан, В. Петров, В. Миллер, В. Воронов, А. Юнусов, Х. Равшанов ва бошқа моҳир ишлаб чиқариш ташкилотчилари рақобатлик қилаётган бригадалар коллективлари меҳнати натижаси фикримизнинг далили бўла олади. 23-қурилиш бошқармасининг А. Юнусов рақобатлигидаги пудратчи бригада аъзолари мактаб қурилишини анча барвақт тугалладилар. В. Миллер ва В. Петров рақобатлик қилаётган пудратчи бригадалар коллективлари 1568 ўқувчи таълим оладиган мактаб биноси қурилишини муддатидан 96 кун илгари, В. Воронов ва А. Юнусов бошчилигидаги злобинчи бригадалар аъзолари эса яна бир мактаб қурилишини белгиланганидан 66 кун барвақт тугаллашди. Бошқа пудратчи бригадаларнинг ҳам иш кўрсаткичлари самарали бўлмоқда. Албатта, улар унумли ва сифатли ишлаганликлари, объектларни барвақт фойдаланишга топшириб, бинокорлик материалларини тежаб колганликлари учун моддий ва маънавий рағбатлантиришди.

Бригада пудратини янада кенгроқ жорий қилиш йўлларини ишлар бундан буён ҳам давом эттирилади. Ҳозирги вақтда коллективимиз амалга ошираётган капитал қурилиш ишлари ҳажмининг 64 процентини шундай бригадалар бажараётган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткич янада ортади. Унн 80 процентга етказишни мўлжаллаб турибмиз.

К. ТЎЛАГАНОВ, Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

МУДДАТ ВА БУРЧ

ПОЙТАХТ областимиз шаҳар ва қишлоқларида қурилиш ишлари ҳар қачонгидек жадал суръат билан давом этяпти. Янги-янги корхоналар ишга туширилмоқда, турар-жой бинолари фойдаланишга топшириляпти. Мана шу улкан бунёдкорлик ишларига бизнинг азамат қурувчилар ҳам ўзининг озмн-кўпми ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланамиз. Кейинги йилларда капитал қурилиш ҳажмини кенгайтириш, объектларнинг сифатини яхшилашга янада кўпроқ эътибор берилмоқда. Республика партия активи йиғилишида «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг 1980 йилда ишга туширилиши объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ҳақидаги кўрсатмаларини бажариш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарор биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилялти.

Шаҳар ва қишлоқларимиздаги турли объектлар қурилишида 3500 дан ортиқ бинокорларимиз фидокорона меҳнат қилишяпти. Айни кунларда 1980 йилда қуриб фойдаланишга топшириладиган қурилишларда ишни жадаллаштириб юбордик.

Қурувчиларимиз ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар қачонгидан ҳам катта самарага эришишга аҳд қилиб, мана шу аҳдга яраша зарбдорчасига ишлаяпти. Натижада ойлик ва квартал план топшириқлари мудлатидан илгари знёдаси билан адо этилмоқда. Бу йил Тошкентдаги кино уйи, Зарбдор посёлкасидаги ҳунар-техника билим юрти, Бекободдаги қурилиш материаллари комбинатининг йиллига 20 минг квадрат метр бетон новлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цехи, Гулистон шаҳрида экскаватор ремонт қиладиган цех, Ульянов районида пахта тозалаш заводи, 10 минг квадрат метр саҳнли маданият саройи қуриб фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунларда қатор муҳим объектларда иш жадал суръат билан олиб борилаяпти. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинатининг Акмал Икромов районидаги тўқув фабрикаси филиали. Собир Раҳимов районидаги Қорақамиш микрорайонида 121 оилага мўлжалланган тўққиз қаватли турар-жой биносида сўнгги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Бу объектларда трестнинг 4-монтаж участкасидан Р. Галимов, А. Моврин, Т. Железня ўртоқлар бошчилик қилаётган коллективлар, А. Берёзкин, А. Собировлар раҳбарлигидаги монтажчи бригадалар ўзаро мусобақани авж олдириб ишлашмоқда.

Шунингдек, фойдаланишга топшириладиган объектлардаги ишнинг сифатли ва тез бажарилишида Чилонзор район Советининг депутати Людмила Елизарова бошлиқ пардозловчилар бригадаси, сувоқчи Ф. Наврўзиддинов, дурадгор Б. Донованнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти.

Трестимиз бўлинмаларида Николай Злобиннинг бригада пудрати усулида меҳнат қилаётган коллективлар ҳам анчагина. Бу усул объектларни тез ва соз қуришда жуда қўл келмоқда. А. Берёзенко, В. Попова, Б. Андриановлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари айни кунларда 1983 йил ҳисобига меҳнат қиляптилар.

Бунёдкорлар коллективимиз якунловчи йилни зарбдорчасига якунлаб, партиямизнинг XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун барча резерв ва имкониятларни сафарбар этаверадилар.

А. МИРЗААҲМЕДОВ, «Промгражданстрой» трестининг бош инженери.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎТГАН ва шу ҳафта ичида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қатор социалистик давлатларнинг раҳбарлари билан Қримда учрашди. Бу учрашувларда ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг шу йил май кенгашн ҳужжатларида илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар яна бир бор тилга олинди.

Шунингдек, бу учрашувларда қатор, ғоятда оқил фикрлар айтилди. Қўролланиш пойгасини авж олдирмаслик, ихтилофлар ва низоларни сусайтириш, кун сайин кўпайиб бораётган можаролар ва қалтис ҳолатларни адолатли тарзда, келишиш йўли билан ҳал қилиш, барқарор тинчликка эришиш мўлжалги ҳаракатларни зўр бериб ривожлантириш, турли системаларга мансуб мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли мулоқотларни фойдали йўлга солиш сингари муаммолар шу кеча-кундуздаги ҳаёт талаби ва тақозоси бўлиб қолмоқда.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг конструктив тинчлик сиёсати бутун оламда қўллаб-қувватланмоқда. Лекин империалистик ва гегемончи кучлар қўролланишни тобора авжига чиқармоқдалар, ер юзининг турли жойларида хавфли нуқталарни вужудга келтирмоқдалар.

1945 йилнинг 6 ва 9 августи инсоният тарихида энг фожиали кунлар ҳисобланади. Америка ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари ўшанда Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташлаган эди. Даҳшатли портлашлар оқибатида 300 мингдан эзёд хотин-қизлар, кексалар, болалар нобуд бўлди. Омон қолган 400 мингдан кўпроқ киши бир умр, қатто, авлоддан-авлодга чўзилувчи нурланиш хасталигига йўлиқди. Ана шу мудҳиш кунга ўтган чоршанбада 35 йил тўлди. Шу кун Хиросиманинг Тинчлик боғида кўпминг кишилик митинг бўлди. Шаҳар ҳокими Такэси Араки «Тинчлик декларацияси»ни ўқиб берди.

Империалистик доираларнинг ўша йиллардан буён қилаётган ишларига қисқача бўлса ҳам бир назар ташлайлик. Брукингс институтининг маълумотларига қараганда 1946 йилнинг 1 январидан 1975 йилнинг 31 декабригача АҚШ ўзининг қуролли кучларини 215 марта ишга солган, 19 ҳолатда эса ядро қуроли қўллаш билан таҳдид қилган. Ер юзининг 114 мамлакатида 2500 ҳарбий база ва объектларга эга бўлган Америка Қўшма Штатлари «жаҳон жандармн» ролини ўйнашга уринмоқда.

Бундай телбаликни 1945 йил этдилар. У ерга Москва ва Ленинградгача учиб бора оладиган атом бомбардимончи самолётлар жойлаштирилди. Жанубда эса Саудия Арабистонидаги янги базанк кенгайтира бошладилар.

1947 йил май ойида америкаликларнинг таҳдиди билан Франция ва Италия коммунистлари ҳукуматлар составидан чиқарилдилар. 1948 йилга келиб Маршалл плани амалга ошира бошланди. Вашингтон Совет Иттифоқини Ғарбий Европа мамлакатларидан ажратиб, яккалаб қўйишга уринди. Ўшанда эмбарго сиёсатига асос солинган эди.

Шу йил 11 июнда Америка сенати Ванденберг резолюциясини қабул қилди. Бу расмият Труменга Шимолий Атлантика иттифоқи тузиш [НАТО] ва Вашингтонда 1949 йил 4 апрелида Атлантика пактига имзо чекиш вакопатини берди. Жаҳон тарихида мисли кўрилмаган қуролланиш пойгасига «старт» берилган эди.

1950 йилнинг 25 июнида Кореяга қарши бошланган уруш қуролланиш вассасасига дастлабки туртки бўлди. Бу уруш 1953 йилгача давом этди ва 4 миллион аҳолисининг ёстиғини қуритди. Энди АҚШ ўз кўппагн Чан Кайшини ҳимоя га олиб, Хитой ишларига аралаша бошлади. Янги президент Д. Эйзенхауэр ва давлат секретари А. Даллес «Хитойда гражданлар уруши чиқишига» умид қилишди. Халқ ҳокимнятн уларга ҳеч ҳам ёқмади. Америка империализми Хитойнинг ашаддий душманига айланиб қолади.

Бир-бирининг кўзини ўйишга тайёр собиқ душманларнинг бугунги кунга келиб оғиздбурун ўпишаётганига нима дейсиз?! Пес-песни қоронғида топиб, эндиликда улар Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Вьетнам, Лаос, Камбоджа, шунингдек Лотин Америкаси ва Африка қитъасидаги бошқа мустақил давлатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашмоқдалар. Уларни жиловлаб қўйиш, Совет Иттифоқи кейинги пайтларда илгари сурган тинчликсеварлик таклифларини амалга оширнш, инсоннятни ялпи қирғин қуроллардан асраб қолиш, турли ижтимоий-сиёсий тузумдаги давлатларнинг тинч яшаш принципларини қарор топтириш — ер курраснда гн барча адолатпарвар ва демократик кучларнинг муқаддас вазифасидир.

Р. УМАРОВ.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

баҳоридa ҳокимият тепасига келган «қора шахс» Г. Трумен бошлаб берган эди. Ўшанда у «Русларни яқинда ўз ўрнларига қўйиб қўямиз ва АҚШ, бизлар истагандек, дунёга раҳбарликни ўз зиммасига олади», деб алаҳсирагандн. Давлат секретари Ж. Бирнс эса АҚШ бомбаси кучи билан «ўз шартларини ўтказади» деганди.

Тез орада америка ҳарбчилари Совет Иттифоқининг чўчитмоқчи бўлиб Исландияда ҳарбий-ҳаво базасн ташкил

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БЕЛГРАД. Югославияда ғалла ўрим-йиғими ниҳоясига етди. Омборларга 5,1 миллион тонна буғдой тўкилди. Бу эса ўтган йиллардагига нисбатан анча кўндир.

Деҳқонлар ғалла ўрим-йиғимини тугаллаб, ҳозир чорва учун ем-хашак тайёрлашни давом эттирмоқдалар, кузги дон экишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

● АДАН. Бу ерда ЙСП Марказий Комитетининг Бош секретари Али Носир Муҳаммад раислигида Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми ўз ишини бошлади.

Пленум бир қанча муҳим партиявий, сиёсий ва иқтисодий масалаларни кўриб чиқади.

● НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларда пўлат ишлаб чиқариш ҳамон камайиб бормоқда. Америка темир ва пўлат институти хабар беришича, сўнгги ҳафтанинг ўзида пўлат ишлаб чиқариш 0,7 процент камайган. Ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан эса 39 процент камайган. Ҳозирги вақтда пўлат қуйиш саноатининг ишлаб чиқариш қувватлари атиги 55,6 процент ини билан таъминланган.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон хавфсизлик кучлари мамлакатнинг шимоли-шарқидаги Трипура штатида пекинпараст сепаратчиларга қарши операцияни давом эттирмоқдалар. Давлат чегараси районидаги қишлоқлан исёнчилар ҳайдаб чиқарилган, ўнга яқин қуролли бандит қамоққа олинган.

(ТАСС 7 август).



АҚШда ишсизлик тобора авжига чиқмоқда. Шу кеча-кундузда улар сонн 7 миллион кишидан ортиқдир. «Айниқса, автомобилсозлик корхоналари ишчилари оғир ҳаёт кечиришмоқда, — деб ёзади «Ньюсуик» журнали. — Сўнгги ойларнинг ўзидаёқ 35 мингдан ортиқ ишчи бу соҳада ишпаш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Ҳозир Америка автомобилсозлиги 30-йилларда бўлгани каби чуқур кризисни бошдан кечирмоқда». Суратда: ишсиз Терри Гриффинни кўриб турибсиз. ЮПИ — ТАСС фотоси.

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

ОЛИМПИАДАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Москва Олимпиадаси ўйинлари аллақачонок ниҳоясига етган бўлса-да, ҳали у бахш этган кайфият, қувонч ва севинч давом этаётир. Республикамиз вакиллари катта мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдилар. Эришилган ғалабада пойтахт области касаба союзлари Советининг «Меҳнат» ва «Спартак» кўнгилли спорт жамиятлари вакилларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бугунги физкультурачилар байрами кунида шуни қувонч билан айтиш мумкинки, областимиз вакиллари уч олтин, икки кумуш Олимпиада медалини қўлга киритдилар.

Куни кеча область касаба союзлари Советида Олимпиада совриндорлари ва уларнинг тренерлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Чавандоз Юрий Ковшов суворийларнинг команда баҳсида кўксига олтин, шахсий мусобақада эса кумуш медель такди. Ана шундай юксак натижага эришишда унинг отаси ва устози, СССРда хизмат кўрсатган тренер Александр Ковшовнинг хизматлари катта. Ота маҳоратини тўлиқ ўзлаштириб олган Юрий эндиликда Иттифоқимиздаги энг номдор чавандозлардан бири ҳисобланади.

Узбекистон спортчилари ўз сафларидан биринчи Олимпиада олтин нишондорини узоқ вақт кутдилар. Фақат, мусобақаларнинг ўнинчи кунида, яъни 29 июлда уларнинг номи маълум бўлди. Бир йўла икки спортчимиз олтин медаль олди.

Машҳур волейболчи Олимпиада чемпиони тошкентлик Вера Дуюнованинг энг яхши анъаналарини давом эттирган «Автомобилист» командасининг валейболчиси Лариса Павлова биринчилар қатори ана шундай юксак номга сазовор бўлди. У Свердловск шаҳрининг «Уралочка» командасидан саккиз, Марказий армия спорт клубидан уч дуэтнаси билан катта турнирда мағлубият нима эканлигини билмади.

— Ғалабага бўлган йўл қийин ва машаққатли эди, — дейди XXII Олимпиада ўйинларининг чемпиони, Тошкентнинг «Меҳнат» командаси етакчи ватерполчиси Эркин Шагаев. — Маълумки, терма командамиз ўтган Олимпиада ўйинларида имкониятлар даражасида қатнаша олмади. Мақсадимиз бу сафар фақат олтин медални қўлга киритиш эди. Ҳамжиҳатлик, юксак спорт техникаси бу маррани эгаллаш имкониятини берди. Кўксимга Олимпиада олтин медалини тақкан эканман, бунинг учун энг аввало тренерим Сергей Ширягиндан жуда миннатдорман.

Эркин ҳали ёш. У эндигина йигирма бир баҳорни қаршиламоқда. Лекин спортда эришган муваффақиятлари эса жуда салмоқлидир. Олимпиада ўйинлари давом этаётган кунларда кўпсонли спорт ишқибозлари талантли ўйинчининг чаққон ҳаракатларига, марказдаги тўпга биринчи бўлиб етиб боришига тахсинлар айтишди.

Мерган Рустам Ямбулатов вакилларимиз орасида биринчи бўлиб Олимпиада кумуш медалини олиш шарафига муяссар бўлди.

— Стендга отиш бўйича Ватанимиз командаси ҳисобига фақат Рустам Ямбулатов очколар келтирганлиги биз учун, айниқса, қувончлидир, — дейди кумуш совриндор тренери А. Панов. — Биз бундан кейин ҳам истеъдодли спортчиларни катта мусобақаларга сафарбар қиламиз.

Учрашув сўнгида область касаба союзлари Советининг секретари С. Муҳаммаджонова областимиз олимпиадачиларига ва уларнинг тренерларига фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.



Суратда: Олимпиада совриндорлари Ю. Ковшов, Р. Ямбулатов, Л. Павлова ва Э. Шагаевлар.

А. Абалян фотоси.

ЮКСАК МАҲОРАТ ВА ОММАВИЙЛИК САРИ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

● ФУТБОЛ. Мамлакат чемпионати иккинчи лигаси бешинчи зонаси қатнашчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Булардан қуйидаги натижалар қайд этилди: «Амударё» — «Ешлик» — 0:4, «Хива» — «Нефтяник» — 4:2, «Хоразм» — «Автомобилист» — 1:0, «Ҳўжанд» — «Зарафшон» — 3:2, «Пахтачи» — «Пахтакор» — 3:1, «Наримановчи» — «Старт» — 1:0, «Бухоро» — «Янгиер» — 0:2, «Динамо» — «Қаршистрой» — 2:0.

Самарқандниинг «Динамо» командаси 41 очко тўплаб, зонада якка пешқадамлик қилмоқда. Фарғона футболчиларида 36 та, «Хива» командасида 34 та, «Старт» ва «Зарафшон»да 29 тадан очко бор.

● СУВГА САКРАШ. Республика шахсий команда чемпионати ниҳоясига етди. Аёллар ўртасида программанинг икки тури — вишка ва трамплиндан сакрашда «Старт» вакили Валентина Лавренчук ғолиб бўлди. Эркаклар ўртасида вишкадан сакрашда «Спартак» вакили Александр Клачков чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Трамплиндан сакраш баҳсларида «Меҳнат» жамияти аъзоси Евгений Лобанов энг яхши натижа кўрсатди. Команда ҳисобида ўйинлар қуйидагича тақсимланди: «Ёш куч», «Меҳнат», «Старт».

● ГОРОДКИ. Спортнинг бу тури бўйича республика чемпионати Чирчиқ шаҳрида ўтказилди. 90 фигурани уриб туширишда энг кам таёқча сарфлаган тошкентлик Анатолий Смирнов мусобақа ғолиби бўлди. Владимир Гребенников ва Сергей Сусло иккинчи-учинчи ўринларни эгалладилар.

Команда баҳслари давом этмоқда.

● ШАШКА. Республика шахмат-шашка клубида СССР спорт мастери нормативини бажариш учун ўтказилган мусобақаларда уч шашкачи мақсадга эришди. Спорт мастери нормативини бажариш учун 13 спортчи қатнашган бу баҳсда камида саккиз очко тўплаш лозим эди. Тошкентлик Владимир Христенков 9,5 очко билан биринчи бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Бегимқул Шарипов билан Мамасоли Тешабоевлар ҳам спорт мастери бўладилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

КОЛХОЗДА СПАРТАКИАДА

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзолари давлатга қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ана шундай натижаларга эришишда меҳнатга ҳамдам бўлаётган спортнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Хўжаликда катта спорт комплекси бўлиб, у зарур инвентарлар билан тўла таъминланган. Колхоз ёшларн бу ерда мунтазам равишда спортнинг ўнга яқин турлари билан шуғулланишади.



Олмалиқ шаҳрида ёшларни спортга жалб қилиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Бу борада 3-болалар спорт мактабининг фаолияти диққатга лойиқдир. Суратда: сув спорти тренери Татьяна Яравенко.

Ш. Қосимов фотолари.

Колхоз аъзолари Бутуниттифоқ ва республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Жумладан, «Пахтакор» футбол командаси СССР чемпионатининг олий лигасида серқуёш республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётир. Бу йилдан эътиборан «Политотдел» чим устида хоккей қизлар командаси ҳам СССР чемпионатининг биринчи лигасида муваффақиятли иштирок этаяпти. Қизлар мусобақаларнинг биринчи давра ўйинларини яхши натижалар билан якунлашди.

Спорт секцияларида қизлар чим устида хоккейдан бошқа яна енгил атлетика, шахмат-шашка ва бошқа турларкларда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Қишлоқ спортчиларининг катта мусобақаларда ана шундай залворли ютуқларни қўлга киритаётганлигининг бош омили нимада?

Аввало шуни айтиш керакки, колхоз ёшларининг деярли барчаси спорт тўгаракларига жалб қилинган. Бу ерда тез-тез қизиқарли мусобақалар ва спартакиадалар ўтказиб турилади. Ана шу беллашувларда ёшлар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Яқинда хўжалик спорт комплексида ана шундай йирик анъаналардан бири бўлиб ўтди. Колхоз «Ёзги спартакиадасида «Коммунизм», «Ховаринг», «III-Интернационал» ва «Марказ» участкалари командалари ўзаро куч синашдилар. Колхоз правленияси ва партия ташкилоти таъсис этган совриң учун 500 нафардан ортиқ спортчи спортнинг ўн тўрт тури бўйича майдонга тушдилар. Мусобақада «Марказ» участкаси вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Улар жами 545 очко тўплаб, фахрли биринчи ўринни эгаллашди ва хўжалик кубогини қўлга киритдилар. Иккинчи ўринни 495 очко тўплаган «III-Интернационал», учинчи ўринни эса 415 очко тўплаган «Коммунизм» участкаси спортчилари эгалладилар.

Мусобақаларда энг яхши натижаларга эришган ёшлар махсус таъсис этилган эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

О. ИСРОИЛОВА,
А. ШАҲАНОВ.

МИЛЛИЙ КУРАШ МУАММОЛАРИ

Москва Олимпиадасининг якунлари Иттифоқимизда, хусусан республикамизда физкультура ва спорт ишларининг ривожланаётганини яна бир карра яққол намойиш қилди. Катта спорт мусобақаларида республикамиз вакилларининг қўлга киритган ютуқлари, айниқса, қувончлидир. Ўлкамизда спортнинг Олимпиада турлари билан бир қаторда миллий турларини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилаётганлиги, диққатга моликдир.

Миллий кураш, унинг фарғонача ва бухорча усуллари кадим-қадимдан халқ орасида жуда оммалашиб кетган. Кўпчилик ҳанузгача ўз вақтининг машҳурлари Қоратой полвон Юсупов, Асқар полвон Отабоев, Қаюм полвон Абдуллаев, Юсуф полвон Пирматовлар ва бошқаларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар.

Мен ҳанузгача икки машҳур полвоннинг 1953 йили Тошкентдаги Пушкин номли маданият ва истироҳат боғидаги баҳсларини жуда яхши эслайман. Шу куни боғ байрам либосида эди. Полвонлар тушадиган гилам атрофидаги томошабинларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳамма ўртага тошкентлик Асқар полвон ва фарғоналик Аъзам полвонларнинг чиқишларини кутишмоқда.

Ниҳоят хуштак чалинди. Олишув бошланди. Аъзам полвон биринчи бўлиб ҳужумга ўтди. Асқар полвон ҳам бўш келгани йўқ. Рақибининг белбоғидан маҳкам ушлаганича, уни кўтариб ерга уриш пайидан бўлди. Белгиланган вақт тугади-ю, лекин ғолиб аниқлангани йўқ. Беллашувга ҳакамлик қилганлар маслаҳатни давом эттиришаётган эди. Шунда Асқар полвон рақибининг қўлини баланд кўтариб, унинг маҳоратига тан берди. Курашни бой бердим деди.

Бу тошкентлик машҳур полвон Асқар Отабоевнинг биринчи норасмий маглубияти эди.

Кейинги йилларда бироз унутилаёзган спортнинг бу оммавий турини ривожлантириш борасида республика миллий кураш федерацияси бир қатор тадбирларни амалга оширяпти. Жумладан, шу йилдан эътиборан Тошкентда «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг Ўзбекистон Совети Асқар полвон Отабоев хотира совриии учун анъанавий турнир ўтказишга қарор қилди. Бу хилдаги мусобақалар республикамизнинг бошқа область ва шаҳарларида ҳам ўтказилиб турилади. Лекин, кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу хилдаги турнирларнинг ҳануз оммавийлиги таъминланмаган.

Масалан, Асқар полвон Отабоев хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақа тайёргарлик тўла пўхнига етказилмасдан бошлаб юборилди. Кўпчилик унинг қачон ва қаерда бўлиб ўтганини билмай қолди. Турнирга таклиф қилинган республикамизнинг уч области, шунингдек, Ленинобод ва Ўш областлари вакилларининг келмаганлиги натижасида мақсадга тўлиқ эриша олмадик. Чунки, ғолибларга аввал белгиланганидек Ўзбекистон ССР спорт мастери унвони берилмади. Мусобақа низомига кўра ҳар бир вазн категориясида камида 7 та спортчи қатнашиши шарт эди.

Миллий кураш Пискент ва Паркент районларида нисбатан кўпроқ ривожланган. Чунки бу районларда кураш ихлосмандлари жуда кўп. Лекин, кейинги пайтларда мусобақа ўтказиладиган майдонларнинг ташландиқ аҳволга тушиб қолганлиги кўпчиликни ранжитмоқда.

Машҳур полвон Тўйчи Раҳимбоев хотираси учун ўтказилаётган анъанавий турнир ҳам мана икки йилдирки, сабабсиз тўхтаб қолди.

Бизнингча, бундай мусобақаларни мунтазам ўтказиб турниқ керак. Сўзсиз, кураш турли шодиёналарни, анъанавий байрамларни безайди. Шундай экан, ёшларни кўпроқ спортнинг бу турига жалб қилиш, уларнинг истеъдодларини танлаб олиш керак.

Т. ОДИЛОВ.

МУКОФОТ ОЛҒА ЧОРЛАЙДИ

Оржоникидзе райони спортчилари ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Улар яқинда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети ҳамда маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг фахрий дипломи билан мукофотландилар. Бу спортчиларнинг ўтган йили қўлга киритган катта ютуқларига берилган муносиб баҳодир. Табиийки, юксак мукофот район спортчиларини янги-янги марраларни забт этиш, уз маҳоратларини тинимсиз ошириб боришга ундаётир.

«ГТО нишонидан Олимпиада медалигача». Айни кунларда барча хўжаликларда, корхона ва муассасаларда ана шу шиор остида мусобақалар авж олган. Дарҳақиқат, яқиндагина Ватанимиз пойтахти Москва шаҳрида тантанали равишда тугаган XXII Олимпиада ўйинларининг совриндорлари — СССР спортчилари ўз фаолиятларини ГТО нормативларини бажаришдан бошлаганликлари бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Олимпиада ўйинлари якунлари бепоён Ватанимизда физкультура ва спорт ишлари нақадар ривожланганлигини яна бир карра намойиш қилди. Физкультура ва спорт ташкилотлари, кўнгилли спорт жамиятлари олдига ана шу байроқни ҳамиша баланд кўтаришдек юксак вазифани қўйди.

Кейинги йилларда районимизда физкультура ва спорт ишлари анча жонланиб кетди. Бугунги кунда 15 спорт зали, 36 та стадион, 205 спорт майдончалари ёшлар ихтиёрига берилб қўйилган. Бу ерда районимиздаги меҳнатга яроқли аҳолининг қарийб 37 процента бўш вақтларини самарали ва сермазмун ўтказадилар.

Биз район партия ва ижрония комитетларининг «физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш ҳақида» қабул қилган қарорини амалга ошира бориб, посёлка ва қишлоқ Советларида тез-тез мусобақалар ўтказиб туриш, кўча командалари фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу соҳада А. Матқобулов номли, Чинобод қишлоқ Советлари, Қибрай Салор посёлка Советларида яхши натижаларга эришилянти. Бу жойлардаги спорт секцияларн ҳамиша ёшлар билан гавжум бўлиб туради.

Жамоатчи тренерлардан Ю. Бирюков, А. Норматов, Э. Девинко, Н. Элинбоевлар физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини алоҳида таъкидлаш керак. Уларнинг ташаббуслари билан маҳалла командалари ўртасида «чарм тўп» совриии учун футбол турнири ўтказилди, ёшлар ГТО кўкураши, шахмат-шашка бўйича ўзаро беллашдилар.

Жамоатчиликка кенг сулянганлигимиз, спорт иншоотларидан самарали фойдаланганлигимиз туфайли ўтган йили 10200 нафар ГТО нишондорлари, кўплаб оммавий разрядли спортчилар, 13 нафар СССР спорт мастерлигига номзод ва 7 спорт мастери тайёрланди. Икки йилдан буён мунтазам равишда область спартакиадаси бош совриниии қўлга киритмоқдамиз. Биз эришган ана шу натижалар инобатга олиниб, районимиз спортчиларига юксак мукофот топширилди. Бу ғамхўрликка жавобан спорт ишларини янада ривожлантириш чоратадбирларини кўрамиз. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ ГТО нишондорлари ва разрядли спортчилар тайёрлашни режалаганмиз.

Олдинда турган маррани эгаллаш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим. Ҳали айрим хўжалик, корхона ва муассасаларда спорт ишларининг қўйилиши талаблар даражасида эмас. Жумладан, Р. Мусамуҳамедов номли, «Қибрай» совхозларида, Ленин номли, «Коммунист» ҳамда «Маданият» колхозларида спортга етарлича эътибор берилмаётир. Биз яқин йиллар орасида ана шу хўжаликлардаги спорт ташкилотларини ҳам Тошкент қишлоқ хўжалик институти, Тошкент ГРЭСи, чорвачилик илмий тадқиқот институти, «Правда», «Қизил Ўзбекистон» колхозлари каби илғорлар қаторига олиб чиқамиз. Бунинг учун республика, область миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этишимиз, ўз районимиз миқёсида тез-тез турли тадбирлар ўтказиб туришимиз талаб қилинади.

Биз бугунги анъанавий байрамимизга қизғин тайёргарлик кўрдик. Физкультурачилар кунида ёшларимиз спорт соҳасида эришган ютуқлари ҳақида яна бир марта ҳисоб берадилар. Ўз маҳоратларини намойиш этишади. Шу мақсадда Қибрайдаги спорт комплексида бир қатор тадбирлар ўтказамиз. Стадион район ёшлари ва спорт ихлосмандлари билан гавжум бўлади.

Болалар спорт мактабининг талабалари велопойга мусобақаларини ўтказишади, енгил атлетикачилар эса 4х100 метрли эстафета пойгасида иштирок этадилар. ГТО кўкураш баҳсларининг ниҳоятда қизиқарлиқ ўтиши кутилмоқда. Байрам сўнгида эса район кубоги учун футбол матчи бўлади. Ғолиблар район партия комитети ва район ижроия комитети таъсис этган совриилар билан мукофотланадилар.

Келгусида биз ана шундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш кучли, чаққон ва бақувват спортчиларни катта мусобақаларга жалб этиш йўлидан борамиз. Спорт билан шуғулланиш фақат ёшларимизнинг эмас, балки, барча меҳнаткашларимизнинг севимли машғулотларига айланиб қолади.

Г. ИБРАГИМОВ,
Оржоникидзе район физкультура ва спорт комитетининг раиси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА:

электр пайвандчилар, кран машинистлари, қувур ётқизувчилар, дизелчилар, автокранчилар, прорабларг, мастерлар, бригадирлар, магистрал-қувур ётқизиш қурилиши бўйича тажриба орттирганлар, трассаларда ишлаш учун медицина ходимлари, техника таъминоти бўлими бошлиги. Иш сафар билан боғлиқ.

«ТАШСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИ БЎЛИНМАСИГА:

слесарь-сантехниклар, газ-электр пайвандчилар. Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА:

радио алоқаси инженерлари, техниклари, электрон-ҳисоблаш машиналари бўйича физиклар; ускуналар монтажи бўйича алоқачи-монтажчилар, кабелчилар, йўл ишчилари, пайванд қилувчилар;

электр-газ пайвандчилар, механизмлар ремонти бўйича слесарлар, механизаторлар, нқтисодчилар, омборчилар, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг катта инженерлари.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 39-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980-81 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги сартарошлар, кенг профилдаги фотографлар, кенг профилдаги ошпазлар ва сотувчилар, якка буюртма тикувчилари, қандолатчилар, маиший хизмат кўрсатиш техникаси бўйича усталар.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати — 1—1,5—3 йил.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 4 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 1/2-Қорақамиш массиви (42, 43, 43 «э»-автобуслар, 27-трамвайларнинг «Мактаб» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.40 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм, 3-серия. 11.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.15 — Спортлото. 12.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.05 — Москвичка. 14.15 — Бугун — физкультурачилар куни. 14.30 — Концерт. 15.00 — Эрмитаж. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Ҳайвонот оламида. 16.45 — Ҳинд оҳанглари. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Антоний ва Клеопатра. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР кубоги. «Динамо» (Тбилиси) — «Шахтёр» (Донецк) Кўрсатув тугагач янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театри. 10.55 — Концерт. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Сахро сири. Спектакль. 12.40 — Тренер. Бадиий фильм. 14.30 — Кинохроника. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.10 — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Худойшукуров ва Қорақалпогистон АССР халқ артисти Р. Бозорбоева концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз маслаҳати. 22.20 — Инсонни ардоқланг. Бадиий фильм, 1-серия.

ДОИМИЙ ИШГА

бухгалтер, корректор, склад мудири, тарбиячи, муқовачилар ва уларга шогирдлар, созловчи-слесарь, автопогрузка ҳайдовчи, аккумуляторларни зарядловчилар, қоғоз қирқувчилар ва уларга шогирдлар, газ пайвандчи, стереотипёрлар ва уларга шогирдлар, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06440. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1664.